

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети ректори
Ш.С.Сирожиддинов

« ____ » _____ 2016 йил

Ўзбекистон Миллий университети расмий веб-сайти орқали “Китобларни электрон каталогдан қидириш” университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларига электрон каталог регламенти

1. Хизмат таърифи

Университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг электрон каталог орқали интерактив давлат хизмати кўрсатиш регламенти.

1.1 Хизмат номланиши

Қисқа номи: “Китобларни Электрон каталогдан қидириш”
Кенгайтирилган номи: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети расмий вебсайти орқали интерактив хизмат кўрсатиш. “Миллий университет китобхонларининг китобларни электрон каталогдан қидириши”

1.2. Хизмат натижаси

Китобхонлар томонидан электрон каталог орқали буюртма қилинган адабиётлар АРМ ходимлари томонидан қабул қилинади.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс маркази

1.4 Хуқуқий асослар

2011 йил 13 апрелда қабул қилинган “Кутубхона - ахборот фаолияти тўғрисидаги Қонун”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнь ПҚ-381 сонли «Республика аҳолисини Ахборот-кутубхона билан таъминлаш тўғрисида»ги қарори, 2011 йил 23 февраль ПҚ-1487 сонли «2011-2015 йилларда ахборот – коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жихатидан ривожлантиришни давом еттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Университет Ахборот-ресурс маркази китобхонлари:

- профессор ўқитувчилар;
- талабалар;
- илмий ходимлар

1.6. Ариза бериш муддатлари

Доимий.

1.7 Бажарилиш муддати

Китобхоннинг буюртмасига асосан 1 иш куни ичида кўриб чиқилиб, жавоб берилади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун муурожаат қилган ҳар қандай китобхонга қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, муурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари

2.2. Батафсил маълумот олиш

Китобхон учун керак бўлган адабиёт ҳақида батафсил маълумот (Китобнинг муаллифи, тўлиқ номи, нашр қилинган йили) бериш

- Ўзбекистон Миллий университетининг расмий вебсайти орқали - www.nuu.uz орқали тақдим этилади.

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш

Университет расмий вебсайти орқали: доимий;

Шахсан муурожаат этиш вақти: душанба – шанба кунлари соат 09:00дан 17:00га (Ахборот-ресурс марказига)

Электрон почта орқали: душанба-шанба кунлари соат 09:00 дан 17:00 гача

2.4. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй

- Мўлжал: Тошкент Давлат техника университети
- Транспортлар: 28, 31, 34, 87, 90-автобуслар, метронинг Бегуний бекати

3. Иш вақтлари ва муурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба – шанба (09:00дан -17:00 гача)

3.2 Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Китобхон томмонидан буюртма тушган кундан бошлаб Ахборот-ресурс марказига келиб тушган кундан бошлаб 1 иш куни ичида кўриб чиқилади.

Буюртмалар дам олиш кунлари ёки байрам кунлари келиб тушган тақдирда, уларни кўриб чиқиш кейинги иш кунидан бошланади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

Китобхонларнинг университет профессор-ўқитувчиси, катта илмий ходими, талабаси эканлигини тасдиқловчи махсус ҳужжати (гувоҳнома ёки ўқув чиптаси)

4.2. Хизмат тўлови:

Хизмат бепул амалга оширилади

«КИРИТИЛДИ»

**Ахборот ресурс маркази
директори**

_____ **И.Кислицына**

« ____ » _____ **2016 йил**

«КЕЛИШИЛДИ»

**Ахборот технологиялар маркази
бошлиғи**

_____ **М.Ў.Худойбергенов**

« ____ » _____ **2016 йил**